ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 19 » ноябрь № 734 Toshkent sh.

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ–5812-сон Фармонига мувофиқ ёшларни бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим билан қамраб олиш ҳамда уларни эгалланган касб ва мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги дипломларнинг давлат намуналари ва тавсифи 1-иловага мувофиқ;

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар иловасининг давлат намунаси 2-иловага мувофиқ;

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида қўшимча квалификацияларни эгаллаш бўйича сертификатнинг давлат намунаси ва тавсифи 3-иловага мувофиқ;

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида бериладиган академик маълумотноманинг давлат намунаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим (кейинги ўринларда – профессионал таълим) тўғрисидаги дипломлар ва уларнинг иловалари, сертификат бланкаларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш аниқ ҳисоб-китобларга асосан 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар ва уларнинг иловалари, сертификат бланкалари (дубликат бериш ҳолатлари бундан мустасно) битирувчиларга, академик маълумотномалар эса – ўқишдан четлатилган ўқувчиларга бепул берилади.

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар, уларнинг иловалари, сертификат бланкалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмаси бўйича муҳофазаланган махсус қоғозларда шартнома асосида тайёрлаб берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар ҳамда сертификат бланкаларига индивидуал QR-код қўйиш тизими ҳамда унинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "19" ноябрдаги 734-сон қарорига
1-илова

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги дипломларнинг давлат намуналари ва тавсифи

I. Бошланғич профессионал таълим дипломи НАМУНАСИ

Ташқи кўриниши

BOSHLANG'ICH PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Дипломнинг ички чап томони:

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BOSHLANG‘ICH PROFESSIONAL TA’LIM
DIPLOMI

PT № 0000000

_____

_____
(ta’lim muassasasining nomi)

Davlat attestatsiya komissiyasining
20__ yil “____” _____ dagi qaroriga binoan

_____
(bitiruvchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____
_____ kasbi bo‘yicha o‘qishni
(kasb nomi)
tamomladi va _____
_____
_____
kvalifikatsiya(lar)ni egalladi.

Davlat attestatsiya komissiyasi raisi: M.O‘.
Direktor:
Ro‘yxatga olish raqami: _____
(tartib raqami)

_____
(berilgan joy va sana)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Дипломнинг ички ўнг томони:

DIPLOMA OF PRIMARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PT № 0000000

_____

_____
(the name of educational institution)

By the decision of the State Attestation Commission
"____" _____ 20___

_____
(graduate's surname, first name, other name)

completed_____
(the name of specialization)

_____ in specialization of

and mastered following qualification (s):_____

_____

_____

Chairman of the State Attestation Commission:
Director:
Registration № _____
(serial number)

P.S.

_____
(date and place)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Бошланғич профессионал таълим дипломи
ТАВСИФИ

Бошланғич профессионал таълим тўғрисидаги диплом муқовасининг томонлари 125x180 мм ўлчамда яхлит қопланган кўк рангли балакрон матбаа материалидан тайёрланади.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастрокда лотин ёзувидаги ўзбек тилида BOSHLANG'ICH PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI сўзлари ёзилган.

Диплом бланкасининг ички қисми 240x170 мм ўлчамда, махсус миллий орнамент нақши туширилган сув белгили қоғозда, матн қисми қора рангда ва тасвирий элементлари эса кўк рангда офсет босма усулида босилади.

Диплом бланкасининг саҳифалари марказида 70 мм диаметрли ўлчамда бўлган ўзига хос кўринишдаги кўк рангли бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлаштирилади. Унинг атрофида узлуксиз майда чизиқлардан ташкил топган гильош элементидан иборат. Диплом бланкасининг асосий фон қисми ингичка чизиқли икки тангир сеткадан иборат.

Диплом бланкасининг иккала саҳифасига "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSHLANG'ICH PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI" ҳамда "DIPLOMA OF PRIMARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN" сўзлари ва РТ лотин ҳарфи ва етти хоналик сондан иборат бўлган рақам қора рангли бўёқда босилади.

Имтиёзли диплом бланкаси учун "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSHLANG'ICH PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI" ва "DIPLOMA OF PRIMARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN" сўзлари пастига қизил бўёқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида "A'LO DARAJALI" ва инглиз тилида "WITH HONOURS" сўзлари ёзилади. Диплом бланкасининг муқоваси қизил рангли балакрон матбаа материалидан тайёрланади.

Диплом бланкасининг ҳимоя даражалари қуйидагича:

Қоғоз таснифи:

- қоғоз – 100 % пахта, қалинлиги 120±5г/м^2, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нур ва миллий орнамент нақши кўринишидаги сув белгиси мавжуд;

- қоғоз сиртида тартибсиз киприк шаклидаги узунлиги 2,5-3 мм бўлган қизил ва яшил рангли толалар жойлашган ҳамда ультрабинафша нур остида кўринадиган сариқ ва кўк рангли толалар мавжуд;

Босма таснифи:

- икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори босма усули;

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

- босма жараёнида кимёвий барқарор матбаа бўёқларидан фойдаланиш;

- диплом бланкасининг чап томонида ўзгарувчан рангда OVI бўёғи ишлатилган очиқ китоб тасвири туширилган;

- етти хонали рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларда яшил рангда ёруғлик сочади;

- кичик матн, бир неча бор катталаштирилгандагина кўринадиган диплом саҳифасининг матн чизиқларида ва Давлат гербининг атрофида жойлаштирилган, такрорланувчи O‘ZBEKISTONRESPUBLIKASI сўз бирикмаси мавжуд;

- диплом бланкасининг икки томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг диаметри 40 мм бўлган кўринмайдиган тасвири туширилган ва у ультрабинафша нурлар остида кўринади.

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

II. Ўрта профессионал таълим дипломи НАМУНАСИ

Ташқи кўриниши

O‘RTA PROFESSIONAL TA’LIM DIPLOMI

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Дипломнинг ички чап томони:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
O'RTA PROFESSIONAL TA'LIM
DIPLOMI

PT № 0000000

_____

_____
(ta'lim muassasasining nomi)

Davlat attestatsiya komissiyasining
20__ yil "____" _____ dagi qaroriga binoan

_____
(bitiruvchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____
(kasb yoki mutaxassislik nomi)

_____
mutaxassislik (kasb) bo'yicha o'qishni tamomladi va _____

_____

_____
kvalifikatsiya(lar)ni egalladi.

Davlat attestatsiya komissiyasi raisi: M.O'.
Direktor:
Ro'yxatga olish raqami: _____
(tartib raqami)

_____
(berilgan joy va sana)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Дипломнинг ички ўнг томони:

DIPLOMA OF SECONDARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PT № 0000000

_____

_____
(the name of educational institution)

By the decision of the State Attestation Commission
"____" _____ 20__

_____
(graduate's surname, first name, other name)

completed_____
(the name of specialization)

_____in specialization of

and mastered following (professional) qualification (s): _____

_____

_____

Chairman of the State Attestation Commission:
Director:
Registration № _____
(serial number)

P.S.

_____
(date and place)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Ўрта профессионал таълим дипломи
ТАВСИФИ

Ўрта профессионал таълим тўғрисидаги диплом муқовасининг томонлари 130x190 мм ўлчамда яхлит қопланган жигарранг бумвинил матбаа материалидан тайёрланади.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастрокда лотин ёзувидаги ўзбек тилида O'RTA PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI сўзлари ёзилган.

Диплом бланкасининг ички қисми 260x180 мм ўлчамда, махсус миллий орнамент нақши туширилган сув белгили қоғозда, матн қисми учун қора рангда ва тасвирий элементлар учун жигарранг офсет босма усулида босилади.

Диплом бланкасининг саҳифалари марказида 70 мм диаметрли ўлчамда бўлган ўзига хос кўринишдаги жигарранг бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлаштирилади. Унинг атрофида узлуксиз майда чизиқлардан ташкил топган гильош элементидан иборат. Диплом бланкасининг асосий фон қисми ингичка чизиқли икки тангир сеткадан иборат.

Диплом бланкасининг иккала саҳифасига "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'RTA PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI" ҳамда "DIPLOMA OF SECONDARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN" сўзлари ва РТ лотин ҳарфи ва етти хоналик сондан иборат бўлган рақам қора рангли бўёқда босилади.

Имтиёзли диплом бланкаси учун "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'RTA PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI" ҳамда "DIPLOMA OF SECONDARY PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN" сўзлари пастига қизил бўёқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида "A'LO DARAJALI" ва инглиз тилида "WITH HONOURS" сўзлари ёзилади. Диплом бланкасининг муқоваси қизил рангли балакрон матбаа материалидан тайёрланади.

Диплом бланкасининг ҳимоя даражалари қуйидагича:

Қоғоз таснифи:

- қоғоз – 100 % пахта, қалинлиги 120±5г/м^2, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нур ва миллий орнамент нақши кўринишидаги сув белгиси мавжуд;

- қоғоз сиртида тартибсиз киприк шаклидаги узунлиги 2,5-3 мм бўлган қизил ва яшил рангли толалар жойлашган ҳамда ультрабинафша нури остида кўринадиган сариқ ва кўк рангли толалар мавжуд;

Босма таснифи:

- икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори босма усули;

- босма жараёнида кимёвий барқарор матбаа бўёқлардан фойдаланиш;

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

- диплом бланкасининг чап томонида ўзгарувчан рангда OVI бўёғи ишлатилган очиқ китоб тасвири туширилган;

- етти хонали рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларда яшил рангда ёруғлик сочади;

- кичик матн, бир неча бор катталаштирилгандагина кўринадиган диплом саҳифасининг матн чизиқларида ва Давлат гербининг атрофида жойлаштирилган, такрорланувчи O‘ZBEKISTONRESPUBLIKASI сўз бирикмаси мавжуд;

- диплом бланкасининг икки томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг диаметри 40 мм бўлган кўринмайдиган тасвири туширилган ва у ультрабинафша нурлар остида кўринади.

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

III. Ўрта махсус профессионал таълим дипломи НАМУНАСИ

Ташқи кўриниши

O'RTA MAXSUS PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Дипломнинг ички чап томони:

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
O‘RTA MAXSUS PROFESSIONAL TA’LIM
DIPLOMI

PT № 0000000

_____

_____
(ta’lim muassasasining nomi)

Davlat attestatsiya komissiyasining
20__ yil “____” _____ dagi qaroriga binoan

_____
(bitiruvchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____
(mutaxassislik nomi)

_____
mutaxassislik bo‘yicha o‘qishni tamomladi va_____

_____

_____
kvalifikatsiya (lar)ni egalladi.

Davlat attestatsiya komissiyasi raisi: M.O‘.
Direktor:
Ro‘yxatga olish raqami: _____
(tartib raqami)

_____
(berilgan joy va sana)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Дипломнинг ички ўнг томони:

DIPLOMA OF THE SECONDARY SPECIALIZED PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

РТ № 0000000

_____

_____

(the name of educational institution)

By the decision of the State Attestation Commission
"____" _____ 20_____

_____

(graduate's surname, first name, other name)

completed_____

(the name of specialization)

_____in specialization of

and mastered following qualification (s): _____

_____

_____

Chairman of the State Attestation Commission Director

P.S.

Registration № _____

(serial number)

_____

(date and place)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Ўрта махсус профессионал таълим дипломи ТАВСИФИ

Ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги дипломининг муқоваси томонлари 130x190 мм ўлчамда яхлит қопланган ҳаворанг балакрон матбаа материалидан тайёрланади.

Унинг юз томонида босма нақш усулида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва пастроқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида O'RTA MAXSUS PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI сўзлари ёзилган.

Диплом бланкасининг ички қисми 260x180 мм ўлчамда, махсус миллий орнамент нақши туширилган сув белгили қоғозда, матн қисми қора рангда ва тасвирий элементлар учун эса кўк рангда офсет босма усулида босилади.

Диплом бланкасининг саҳифалари марказида 70 мм диаметрли ўлчамда бўлган ўзига хос кўринишдаги оч ҳаворанг бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлаштирилади. Унинг атрофида узлуксиз майда чизиқлардан ташкил топган гильош элементидан иборат. Диплом бланкасининг асосий фон қисми ингичка чизиқли икки тангир сеткадан иборат.

Диплом бланкасининг иккала саҳифасига "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'RTA MAXSUS PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI" ҳамда "DIPLOMA OF THE SECONDARY SPECIALIZED PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN" сўзлари ва РТ лотин ҳарфи ва етти хоналик сондан иборат бўлган рақам қора рангли бўёқда босилади.

Имтиёзли диплом бланкаси учун "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI O'RTA PROFESSIONAL TA'LIM DIPLOMI" ҳамда "DIPLOMA OF SECONDARY SPECIALIZED PROFESSIONAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN" сўзлари пастига қизил бўёқда лотин ёзувидаги ўзбек тилида "A'LO DARAJALI" ва инглиз тилида "WITH HONOURS" сўзлари ёзилади. Диплом бланкасининг муқоваси қизил рангли балакрон матбаа материалидан тайёрланади.

Диплом бланкасининг ҳимоя даражалари қуйидагича:

Қоғоз таснифи:

- қоғоз – 100 % пахта, қалинлиги 120±5г/м^2, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нур ва миллий орнамент нақши кўринишидаги сув белгиси мавжуд;

- қоғоз сиртида тартибсиз киприк шаклидаги узунлиги 2,5-3 мм бўлган қизил ва яшил рангли толалар жойлашган ҳамда ультрабинафша нури остида кўринадиган сариқ ва кўк рангли толалар мавжуд;

Босма таснифи:

- икки хил усулдаги чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисм учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори босма усули;

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

- босма жараёнида кимёвий барқарор матбаа бўёқлардан фойдаланиш;

- диплом бланкасининг чап томонида ўзгарувчан рангда OVI бўёғи ишлатилган очиқ китоб тасвири туширилган;

- етти хонали рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларда яшил рангда ёруғлик сочади;

- кичик матн, бир неча бор катталаштирилгандагина кўринадиган диплом саҳифасининг матн чизиқларида ва Давлат гербининг атрофида жойлаштирилган, такрорланувчи O‘ZBEKISTONRESPUBLIKASI сўз бирикмаси мавжуд;

- диплом бланкасининг икки томон марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг диаметри 40 мм бўлган кўринмайдиган тасвири туширилган ва у ультрабинафша нурлар остида кўринади.

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "19" ноябрдаги 734-сон қарорига
2-илова

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги дипломлар иловасининг давлат намунаси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REPUBLIC OF UZBEKISTAN	1. DIPLOM SOHIBI HAQIDA MA'LUMOTLAR / INFORMATION ABOUT THE DIPLOM AHOLDER
	1.1. Familiyasi / Surname
	1.2. Ismi, otasining ismi / Name, last name
	1.3. Tug'ilgan sana / Date of birth
	1.4. Avvalgi ta'lim haqida hujjat / Certificate of previous education
PT № 0000000 **DIPLOMGA ILOVA / DIPLOMA SUPPLEMENT**	**2. MALAKASI HAQIDA MA'LUMOTLAR / QUALIFICATION**
(diplomsiz ilova haqiqiy hisoblanmaydi / without diploma the attachment is invalid)	2.1. Kasb (mutaxassislik)ning nomi / Name of the specialty profession
	Davlat attestatsiya komissiyasining qarori / Decision of the State Attestation Commission
	2.2. Ta'lim yo'nalishi / Field of study
	2.3. Kvalifikatsiyasi / Qualification
	2.4. Diplom bergan professional ta'lim muassasasining nomi, tashkiliy-huquqiy shakli, ta'lim muassasasining turi / The name, organizational-legal form and type of the educational institution awarding the diploma
	2.5. Ta'lim (imtihon) til (lar)i / Language (s) of education (examination)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

3. TA'LIM DARAJASI HAQIDA MA'LUMOTLAR / INFORMATION ON THE LEVEL OF EDUCATION
3.1. Ta'lim darajasi / Level of education
3.2. Ta'limning davomiyligi / Length of education
3.3. Ta'lim shakli / Type of education
3.4. Ta'lim dasturining tavsifi / Curriculum description

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Talabaning F.I.O. / Student's full name

3.5. Ta'lim dasturini o'zlashtirish natijalari haqida ma'lumotlar / Obtained programme details and grades

T/r	Fan (modul)ning nomi / Course title	Soatlarning umumiy miqdori, kredit / Total hours in the curriculum, credit	Baholash (ball, reyting, baho, kredit bahosi) / Grade (score, rating, mark, credit score)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Davlat attestatsiyalari / The state attestations			

4. QO'SHIMCHA MA'LUMOTLAR / ADDITIONAL INFORMATION

IMZO VA MUHR/SIGNATURE AND SEAL

Direktor/ Director

Direktor o'rinbosari / Deputy Director

Ro'yxat raqami / Registration number _____

Berilgan vaqti / Date of issue _____

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "19" ноябрдаги 734-сон қарорига
3-илова

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида қўшимча квалификацияларни эгаллаш бўйича сертификатнинг давлат намунаси ва тавсифи

Kvalifikatsiyani egallash bo'yicha

SERTIFIKAT

№ 0000000

_____
(bitiruvchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

_____
(ta'lim muassasasining nomi)

20____- yilda o'quv kursini tamomladi va _____

_____
kvalifikatsiyasini egalladi.

Direktor: **M. O'.**

Direktor o'rinbosari:

Ro'yxatga olish raqami: _____
(tartib raqami)

_____
(berilgan joy va sana)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Квалификацияни эгаллаш бўйича сертификат
ТАВСИФИ

Сертификат бланкаси 297х210мм ўлчамда, қоғоз 100% пахта, қалинлиги 120+5гр/м^2, оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нур ва миллий орнамент нақши кўринишидаги сув белгиси мавжуд.

Сертификат бланкасининг юқори қисмида **"Kvalifikatsiyani egallash bo'yicha"** сўзлари, унинг остидан **"SERTIFIKAT"** сўзи кўк рангдаги лотин алифбосидаги ўзбек тилида ёзилади.

Сертификат бланкаси марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг 30 мм диаметрли кўринмайдиган тасвири жойлашган ва у ультрабинафша нурлар остида кўринади.

Сертификат бланкасининг ҳимоя даражалари қуйидагича:

- тартиб рақами қора флуоресценция бўёғида чоп этилиб, ультирабинафша нурларда яшил рангда ёруглик сочади;

- босма жараёнида кимёвий барқарор матбаа бўёқларидан фойдаланиш;

- тангир сеткаларининг бири силлиқ "ирис" эффектини қўллаш билан чоп этилган, яъни марказда яшил рангдан четлари бўйича ҳаво рангга равон ўтади. Бу ранг ажралиши ва нусха кўчирилишидан ҳимоядир;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат гербини рангли тасвирлаш;

- кичик матн, бир неча бор катталаштирилгандагина кўринадиган, сертификатнинг матн чизиқларида жойлашган, такрорланувчи O'ZBEKISTONRESPUBLIKASI сўз бирикмаси мавжуд;

- қоғоз сиртида тартибсиз киприк шаклидаги узунлиги 2,5-3 мм бўлган қизил ва яшил рангли толалар жойлашган ҳамда ультрабинафша нур остида кўринадиган сариқ ва кўк рангли толалар мавжуд.

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "19" ноябрдаги 734-сон қарорига
4-илова

Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида бериладиган академик маълумотноманинг давлат намунаси

(Муқоваси)

AKADEMIK MA'LUMOTNOMA

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

.....
(hudud nomi)

.....
(ta'lim muassasasi nomi)

.....

AKADEMIK MA'LUMOTNOMA

№ 0000000

Ro'yxatga olish raqami: .....

Berilgan sana: 20__ - y. "____"- _____
(kun) (oy)

.....
(chetlashtirish sababi)

20__ - y. "____"- _____ dagi
(kun) (oy)

_____- sonli buyrug'i bilan professional ta'lim muassasasidan chetlatildi.

Direktor: _____ _____
(imzo) (F. I. O.)

Direktor o'rinbosari: _____ _____
(imzo) (F. I. O.)

O'zbekiston Respublikasining
Davlat gerbi tasviri
tushirilgan muhr

Familiyasi.....

Ismi.....

Otasining ismi.....

Tug'ilgan kuni, oyi va yili.....

Ma'lumoti haqida hujjat.....

.....

O'qishga qabul qilinib,

20___ - y. "____" - _____dan
(kun) (oy)

20___ - y. "____" - _____gacha
(kun) (oy)

.....
(ta'lim muassasasi nomi)

.....

.....da o'qidi.
(o'qish shakli)

20___ - y. "____"- _____ dan
(kun) (oy)

20___ - y. "____"- _____ gacha
(kun) (oy)

.....
(ta'lim muassasasi nomi)

.....

.....da
(o'qish shakli)

davom ettirdi.

Ta'lim yo'nalishi mutaxassislik (kasb): .....

.....

.....

.....

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

_____
(Familiyasi, ismi, otasining ismi)

I. Ta'lim dasturini o'zlashtirish natijalari haqida ma'lumotlar:

T/r	Fan (modul)ning nomi	Soatlarning umumiy miqdori	Baholash, reyting, baho, kredit
O'quv rejaga asosan:			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
8.			
9.			
10.			
11.			
12.			
13.			
14.			
15.			
16.			
17.			
18.			
19.			
20.			
21.			
22.			
23.			
24.			
25.			
26.			
27.			
28.			
29.			
30.			
O'quv rejaga qo'shimcha:			
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

6.			
7.			
8.			
9.			
10.			
	Jami:		

II. Kurs loyihasi (ishi):

1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

III. Amaliyotlar:

1.			
2.			
3.			
4.			

IV. Davlat attestatsiyalari

1.			
2.			
3.			
4.			

M. O'. **Direktor:** _____

Direktor o'rinbosari: _____

_____
(berilgan joy va sana)

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "19" ноябрдаги 734-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга илованинг "IV. Маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар" бўлими 3-бандидаги "Ўрта махсус ва касб-ҳунар маълумоти тўғрисида диплом" сўзлари "Ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисида диплом" сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг "Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналарини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 19 июлдаги 607-сон қарорида:

а) 1-илова (Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналари ва уларнинг тавсифлари)да:

"I. Бакалавр дипломи" бўлимида:

учинчи – бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Диплом муқоваси ички қисми қалин, томонлари 145x200 мм ўлчамда сув белгили қоғозда офсет босма усулида беш хил: матн қисми қора ва тўқ ҳаворанг, тасвирий элементлар эса ҳаворанг ранг ва оч ҳаворангда босилади;

Саҳифа марказининг оқ қисмига томонлари 80x82 мм ўлчовли ўзига хос кўринишдаги ҳаворанг бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлаштирилади. Унинг атрофи нақшли растрдан ташкил топган оч ҳаворанг майда миллий нақшлик фондан иборат. Саҳифанинг юқори қисмида фон устидан 20 мм энликда ҳаворанг ҳошия туширилган ҳамда ҳошия устидан дипломнинг иккала саҳифасига "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BAKALAVR DIPLOMI" ҳамда "REPUBLIC OF UZBEKISTAN BACHELOR'S DIPLOMA" сўзлари босилади;

Дипломнинг иккала саҳифалари ҳошияси тагидан В лотин ҳарфи ва саккиз хоналик сондан иборат бўлган рақам тўқ ҳаворангда босилади";

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Ҳар бир саҳифанинг икки томонидан саккиз қиррали юлдузнинг олтин рангдаги тасвири жойлаштирилади. Саккиз қиррали юлдузлар томонлари 15x15 мм дан иборат бўлган квадратлар туширилиши орқали ташкил этилган. Шунингдек, диплом бланкасининг ўнг томони қуйи қисмида фонсиз 35x35 мм ўлчамда QR-код тизими жойлаштирилади";

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

“4) махсус миллий орнамент нақши туширилган, зичлиги 120 г/м^2 бўлган сув белгили қоғоз ишлатиш”;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“6) саккиз қиррали юлдуз тасвирланган саккиз қиррали юлдузларни махсус товланувчи олтин бўёқларда тасвирлаш;

7) саккиз шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш”;

“II. Магистр дипломи” бўлимида:

учинчи – олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Диплом муқовасининг ички қисми қалин томонлари 145x200 мм ўлчамда сув белгили қоғозда офсет босма усулида беш хил: матн қисми қора ва тўқ қизил рангда, тасвирий элементлар эса қаймоқранг ва оч қаймоқрангда босилади.

Саҳифа марказининг оқ қисмига томонлари 80x82 мм ўлчамли ўзига хос кўринишдаги қаймоқранг бўёқда туширилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири жойлаштирилади. Унинг атрофи нақшли растрдан ташкил топган оч қаймоқранг майда миллий нақшлик фондан иборат. Саҳифанинг юқори қисмида фон устидан 20 мм энликда қаймоқ рангдаги ҳошия туширилган ҳамда ҳошия устидан дипломнинг иккала саҳифасига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAGISTR DIPLOMI” ҳамда “REPUBLIC OF UZBEKISTAN MASTER'S DIPLOMA” сўзлари босилади.

Дипломнинг иккала саҳифалари ҳошияси тагидан М лотин ҳарфи ва саккиз хоналик сондан иборат бўлган рақам тўқ қизил рангда босилади.

Ҳар бир саҳифанинг икки томонидан саккиз қиррали юлдузнинг олтин рангдаги тасвири жойлаштирилади. Саккиз қиррали юлдузлар томонлари 15x15 мм дан иборат бўлган квадратлар туширилиши орқали ташкил этилган. Шунингдек, диплом бланкасининг ўнг томони қуйи қисмида фонсиз 35x35 мм ўлчамда QR-код тизими жойлаштирилади”;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4) махсус миллий орнамент нақши туширилган, зичлиги 120 г/м^2 бўлган сув белгили қоғоз ишлатиш”;

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6) саккиз қиррали юлдуз тасвирланган саккиз қиррали юлдузларни махсус товланувчи олтин бўёқларда тасвирлаш;

7) саккиз шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш”;

б) 3-илова (Олий таълим муассасаларида бериладиган академик маълумотноманинг давлат намунаси ва тавсифи)нинг “Академик маълумотнома тавсифи” бўлимида:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи – ўнинчи хатбошилар тегишлича биринчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ҚҲММБ: 09/20/734/1528-сон
20.11.2020 й.

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Академик маълумотнома сув белгили қоғозда офсет босма усулида, матн қисми қора рангда ва фон учун оч ҳаворангда босилади”;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“3) махсус миллий орнамент нақши туширилган, зичлиги 120 г/м^2 бўлган сув белгили қоғоз ишлатиш”;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5) етти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш”.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3